



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 28 июль, сешанба. №67 (2842).

janubiy.kz



АРАФАДАГИ ЭЗГУ ИШ

ҚОЗОҒИСТОН АФҒОНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОНГА ГУМАНИТАР ЁРДАМ ЖЎНАТАДИ

Қозоғистон ҳукумати Афғонистон Ислон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасига гуманитар ёрдам юборади. Шу муносабат билан Бош вазир Асқар Мамин томонидан имзоланган қарор «Ўділет» ахборот-ҳуқуқий тизимида эълон қилинди.

«Қозоғистон Республикаси Индустрия ва инфратузилмаларни ривожлантириш вазирлиги юкларни Афғонистон Ислон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасига етказиб беришни таъминласин. Қозоғистон Республикаси Миллий иқтисодий, Ташқи ишлар, Молия, Индустрия ва инфратузилмаларни ривожлантириш вазирликлари ушбу қарордан келиб чиқадиган чораларни кўрсин», дейилади ҳужжатда.

Қарор имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Ҳужжатга кўра, Афғонистонга, асосан тўшак-ўрин ва кийим-кечак сифатидаги гуманитар ёрдам кўрсатилади, Ўзбекистонга эса 600 тонна олий навли буғдой уни, 100 минг литр ўсимлик ёғи, 50 минг дона сут консервалари ва бошқа моддий ёрдам жўнатади.

ҚозАхборот.

«ЧЕГАРА БИЛМАС ИШЧИЛАР»

ЛОЙИҲАСИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

ЕОИИ МАМЛАКАТЛАРИДА «ЧЕГАРА БИЛМАС ИШЧИЛАР» ЯГОНА ҚИДИРУВ ТИЗИМИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ



Ягона тизим ишга туширилгандан сўнг, ЕОИИ мамлакатлари фуқаролари ва ташкилотлари бўш иш ўринларидан фойдаланишлари ва иқтисодий иттифоққа аъзо давлатлар ишчиларини ёллашлари мумкин, деб хабар беради «Меҳнат ресурсларни ривожлантириш маркази».

Евроосиё иқтисодий иттифоқи тўғрисидаги Шартномада Европа Иттифоқи доирасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчилар ҳаракати эркинлиги таъминланади. ЕОИИга қуйидаги аъзо давлатлар киради: Қозоғистон, Арманистон, Беларусия, Қирғизистон ва Россия. Айна пайтда барча аъзо давлатлар «Чегара билмас ишчилар» ягона қидирув тизими лойиҳасини амалга ошириш устида ишламоқда. Қидирув тизими аъзо давлатларнинг бандлик соҳасидаги ахборот тизимларида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ва иш изловчилар тўғрисидаги маълумотларга киришни таъминлайди. Лойиҳада бешта мамлакатнинг мавжуд миллий тизимларидан фойдаланилади. Қозоғистон Республикаси томонидан лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, миллий оператор – «Меҳнат ресурсларини ривожлантириш маркази», миллий тизим – www.enbek.kz электрон меҳнат биржаси.

ЭБТ порталида лойиҳани амалга ошириш натижасида ваколатли фойдаланувчилар (ариза берувчилар ва иш берувчилар) ЕОИИ миллий тизимларида бўш иш ўринлари ва резюмеларни излаш имкониятига эга бўладилар.

Миллий тизимларда «Чегара билмас ишчилар» ягона қидирув тизимини ишга тушириш 2020 йилнинг 4-чорагига мўлжалланган.

«Казахстанская правда».



ТУРКИСТОН – ШАРҚ МАШЪАЛИГА АЙЛАНАДИ

Туркистон шаҳрини дунё миқёсидаги тарихий-маданий марказ сифатида ривожлантириш мақсадида «Кўҳна Туркистон» концепцияси амалга оширилмоқда. Унинг асосий йўналишларидан бири – ТУРКСОЙга аъзо давлатларнинг тарихий-маданий ўчоқларини Туркистонда акс эттириш. Қурилишни аъзо давлатларнинг ўзлари юритади ва ўзлари муҳофаза этади.

Шу кунларда 45 гектар ерга ўрта асрдагидек эски шаҳарча – этнографик истироҳат боғи барпо этилмоқда. Сайёҳлар бу ерда ўзини ўрта асрга тушиб қолгандек ҳис қиладилар. Шунингдек, ўтовлар ўрнатилиб, сайёҳларга миллий таом ва ичимликлар тавсия этилади.

Есимхан марказий майдони билан Амир Темура кўчаси орасидаги С. Қўжанов, Байбурт кўчаси, пиёдалар йўлакчаси бўйидаги биноларни қайта таъмирлаб, ёритиш мосламалари ўр-

натилди. Ана шу ерда сайёҳларга хизмат кўрсатиш маркази бўй кўтармоқда.

Шу билан бир қаторда, даволаш-соғломлаштириш туризмни ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилган. Туркистон шаҳрида ерости сув жамғармаси мўл. «Шипа-су» санаторияси бугунги кунда 100 ўринга эга. Бундан ташқари, келажакда тарихий-маданий сайёҳлик турларини ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш кўзланган.

Бу саъй-ҳаракатлар туристик сало-

ҳиятга эга шаҳар ва туманларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Аҳолиси кам ва саноат ривожланмаган ҳудудларда бу айниқса, қўл келиб, туризмни шакллантириш имконини яратади. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг фаровонлигини оширишга олиб келади, яъни янги иш ўринлари яратилади, сайёҳлик инфратузилмаси ва сервис хизматлари ташкил этилади.

Элбошимизнинг маънавий янгилашни дастурида туризмга нафақат дам олишни ташкил қилувчи ижтимоий соҳа, балки миллий иқтисодийнинг катта даромад келтирувчи тармоғи сифатида қаралган.

«Жанубий Қозоғистон»
мухбири.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ НАМОЗИ ЎҚИЛМАЙДИ

31 июль куни Қозоғистон масжидларида Қурбон ҳайити намози ўқилмайди. Бу ҳақда Қозоғистон муслмонлари диний бошқармаси раиси, бош муфтий Науризбай ҳожи Тағанули маълум қилди.

– Уламолар Кенгаши бу йилги Қурбон ҳайити байрами 31 июль ва 1-2 август кунлари бўлиб ўтишини тасдиқлади. Аммо мамлакатда карантин муддати 2 августга узайтирилганлиги сабабли, масжидлар фаолияти тўхтатилган. Шу муносабат билан 31 июль куни Қурбон ҳайити намози ўқилмайди, – деди Бош муфтий.

ҚозАхборот.



ИМОМЛАРНИНГ САХОВАТИ

САЙРАМЛИК ИМОМЛАР 3,5 МИЛЛИОН ТЕНГЕЛИК ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИНИ ҲАДЯ ҚИЛИШДИ

Сайрам туманидаги масжидларнинг имомлари ҳам мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган эзгу ишдан четда қолмай, касалхона ва шифохоналарга 3,5 миллион тенгелик тиббиёт ускуналарини ҳадя қилишди. Эзгу ишга туман имомлари, масжид ходимлари ва кўнгилчилар ҳисса қўшишди. Улар 10 донадан пульсокси-

метр, «Бобров» кислород концентрати ва редуктор харид қилишган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда туман шифохоналарида 41 киши коронавирусга, 394 киши эса шамоллашга қарши довланмоқда.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.



ҲОКИМ МАҚТААРАЛЛИКЛАР БИЛАН УЧРАШДИ



Мақтаарал туманидаги фавкулда вазиятдан зарар кўрган қишлоқ аҳолисига уй қуриш учун давлат томонидан берилган 17 миллион тенгенинг 50 фоизи тўлиқ ўтказилган. Фуқаролар зарур ҳужжатларни топшириб, қолган маблағнинг 25 фоизини оладилар. Вилоят раҳбари Ў. Шўкеев билан учрашган мақтааралликлар қурилиш ишларининг сифатли ва тўхтовсиз юритилаётганига миннатдорчилик билдиришди.

Бундан ташқари, сув тошқинидан зарар кўрган ҳар бир оиллага тадбиркор Алишер Усмоновнинг жамғармаси ҳисобидан 425 минг тенгедан (1000 АҚШ доллари) берилган. Шунингдек, оиланинг ҳар бир аъзосига давлат томонидан 100 минг тенгедан моддий ёрдам берилди.

Вилоят ҳокими навбатдаги хизмат сафари билан Мақтааралга бориб, Ўрғебас ва Фирдавсий қишлоқларини асл ҳолига келтириш

жараёни билан яқиндан танишди. Мирзакентдаги янги кичик туманда юритилаётган қурилиш ишларини текширди. Бунёд этилаётган ижтимоий иншоотларни кўздан кечирди. Узлуксиз олиб борилаётган қурилиш ишлари учун тезкор гуруҳ фаолиятига ижобий баҳо берди.

Вилоят ҳоқимининг
матбуот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ЁШЛАР ҲАМ ФАОЛЛАШДИ



“Шифо” лойиҳаси бўйича вилоят туман ва шаҳарларида 300га яқин муҳтож оиллага дори-дармон жўнатилди. Ушбу ёрдамни Nur Otan партиясининг депутатлар фракцияси ҳамда бир гуруҳ тадбиркорлар уюштирди, уларни тегишли жойларга етказиб бериш вазифасини эса “Жас Туркистан” ва Ёшлар имко-

ният марказлари кўнгиллилари зиммаларига олишди.

Маълумки, коронавирусга қарши курашда асосий партия “Шифо” ва “Ҳаёт” каби лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бунинг шарофати ўларок, бугунги кунда касалхоналарга сунъий нафас ускуналари ҳамда дори-дармон етказиб берилмоқда. “Жас Отан” ёшлар қаноти ви-

лоят филиалининг раиси Жансерик Жуманнинг айтишича, ушбу лойиҳаларни нафақат тадбиркорлар, балки барча туркистонликлар ҳам қизгин қўллаб-қувватлашмоқда.

Nur Otan партиясининг
вилоят филиалининг
матбуот хизмати.

СУД МАЖЛИСЛАРИ ОНЛАЙН ЎТМОҚДА

Шимкент шаҳар судининг “Ахборот маркази”да Шимкент шаҳар жиноий ишлар бўйича ихтисослаштирилган туманлараро судининг раиси вазифасини бажарувчи А. Қарабаев 2020 йилнинг биринчи ярмида бажарилган ишига яқун ясаб, ОАВ вакилларининг иштирокида онлайн шаклда матбуот анжуманини ўтказди. Унда Абину Бердибекули суднинг суд устиворлигини амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар юзасидан маълумот берди.

– Жазо белгилаш тажрибаси ўта оғир тоифадаги жиноятлар бўйича суд ҳукми билан жами 19 нафар

киши айбдор деб топилган ва уларнинг барчаси озодликдан маҳрум қилинди. Оғир тоифадаги жиноятлар бўйича жами 14 киши айбдор деб топилган (ҳаракатлари қайта сараланишига боғлиқ) ва бу ишлар юзасидан 14 кишига доир озодликдан маҳрум қилиш, у қадар оғир бўлмаган жиноятлар бўйича 3 киши (ЖКнинг 368-моддасининг 1-банди) айбдор деб топилди, уларга озодликдан маҳрум бўлиш жазолари тайинланган. Суд ишлаб чиқаришида кўрилган ишлар бўйича тергов-текшириш органлари томонидан йўл берилган қонунбузарликка доир бта хусусий қарор чиқарилган. Шу билан бирга

мазкур муддат оралиғида жами 13та суд ҳужжатида апелляция тартиби билан ариза берилган бу кўрсаткич барча кўрилган ишларнинг 56 фоизини ташкил этади, – деди.

Бундан ташқари А. Қарабаев судда бир кишига (Жиноий кодекснинг 366-моддасининг 4- қисми билан айбланган Б. Есқараевга) доир оқлов ҳукми эълон қилинганини айтиб, жамоат фикрини шакллантирган баъзи ишлар юзасидан маълумот берди. Сўзининг якунида судья жорий йил юртимизда юз берган фавкулда ҳолат пайтида жиноий ишлар бўйича суд фаолияти тўхтамаганлиги, барча суд мажлислари скайп ва трюконф дастурлари орқали онлайн турда ўтиб, 17та ҳукм чиқарилганига алоҳида тўхталди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

ЧЎРНОҚДАГИ ВАЗИЯТ НАЗОРАТ ОСТИДА

Туркистон вилоятининг ҳоқими Ў. Шўкеев Чўрноқ қишлоғида тузилган жадал штаб мажлисида иштирок этди. Минтақа раҳбари мудҳиш воқеа рўй берган заҳотиёқ тезкор чора-тадбирлар қабул қилиб, эл-юрт тинчлигини сақлаб қолишда самарали иш олиб борган штаб фаолиятига миннатдорчилик билдирди.

Мажлис сўнггида қишлоқ аҳолиси билан учрашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтди.

– Чўрноқ – минг йиллик тарихга эга макон. Куни кеча юз берган ҳолатнинг овозаси бутун мамлакатга тарқалиб, хижолатли иш бўлди. Аҳиллиги ва бирлиги ярашган қишлоқ учун бу уят. Албатта, ижтимоий тармоқлар ривожланган даврда ушбу воқеани бузиб талқин қиладиган ҳам етарли. Шундайларга эргашиб кетмаслик керак. Эл-юрт ичида жанжал, фитна, фиску-фасод чиқарадиганларга қатъий жазоланади. Сиз эса, ёшлар ва катта авлод вакилларини сабр-тоқат, вазминликка даъват этиб, бирлиكنи қарор топтиришга ёрдамлашинг, – деди вилоят ҳоқими.

Ҳоқимнинг сўзларини қўллаб-қувватлаган қишлоқ оқсоқоллари “Кечаги воқеа барчамизни эсанкиратиб кўйди. Сабаби, ижтимоий тармоқлар орқали кўп ёлғон маълумотлар тарқалиб кетди. Нохуш воқеа юз беришига сабабчи бўлган ёшларимиз учун биз кечирим сўраймиз. Биз – қозоқ ва ўзбек ягона халқимиз. Тилимиз, динимиз бир элмиз”, дейишди.

Шунингдек, Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси ҳам сўзга чиқиб, қишлоқ аҳлини бирлик ва аҳилликка даъват этди.

Дарвоқе, Давлат раҳбари Қ. Тўқаев Чўрноқдаги вазият юзасидан вилоят раҳбарияти ва ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари иштирокида мажлис ўтказиб, Ў. Шўкеевга Чўрноқдаги воқеани ўз вақтида бартараф этиб, самарали иш олиб боргани учун миннатдорчилик билдирди.

20 июль куни рўй берган воқеа бугунги кунда атрофлича ўрганилиб, тергов амаллари юритилмоқда.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

ЧЎРНОҚДАГИ ЁТОҚХОНА ТАЪМИРЛАНМОҚДА



Чўрноқ қишлоғида жойлашган Қ. Рисбеков номидаги 300 ўринли мактаб-интернат ётоқхонасида таъмир ишлари кетмоқда. Бу даргоҳда ижтимоий аҳволи ночор оилалар болалари ва олис қишлоқларда яшайдиган болалар жойлаштирилган. Аини вақтда 356 ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

Вилоят ҳоқимининг ўринбосари С. Қалқаманов Кентов шаҳар ҳоқими Д. Махажанов ҳамроҳлигида иншоотда олиб борилаётган ишлар билан танишиб, пудратчи компанияларга иш суръатларини жадаллаштириш ва сифатига эътибор қаратишни топширди.

Ётоқхона қурилиши янги ўқув йилига қадар битиб, фойдаланишга топширилади.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

Тулкибош туманида боғдорчиликни ривожлантириш йилдан-йилга жадаллашмоқда.

Ўтган йили олмazorлар майдони 3 335 гектарни ташкил қилган. Жорий йилда уларни 100 гектарга кенгайтириш режаланган. Баҳорда 78 гектарга олманинг серҳосил навлари ўтказилди.

Жами бу йилда йилга режаланган 100 гектар олмazorнинг 50 гектари интенсив боғ бўлади.

Қишки олма навларининг асосий қисмини сақлашга, яъни совутгичли омборхоналарга жойлаб кеч куз ва қиш ойларида экспортга йўналтириш ҳамда аҳоли истеъмоли учун сотувга чиқаришга қаратиш мақсадида туманда бугунги кунда бта омбор тайёрланмоқда. Улар 8900 тонна мева-сабзавот ҳосилини сифатли сақлаш имкониятига эга.

ОЛМАЗОРЛАР МАЙДОНИ КЕНГАЙМОҚДА



КЕМЕҚАЛҒАНДА ЯНГИ БОҒ

2018 йили Тўлебий туманининг Кемеқалған қишлоқ округида «Қазигурт боғи» ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси маблағига 1,5 млн. кубометрли сув омбори қурилиб, 186 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилган эди. Келгуси йили 200 гектардан ошган бу боғда жорий йилда нишона ҳосил олиниб, савдо тармоқларига жўнатилмоқда. Боғ тўлиқ ҳосилга кирса, уни сақлаш ва қайта ишлаш муаммосини ҳал қилиш мақсадида корпорация лойиҳага яна 850 млн. тенге ажратди. Бу маблағга италиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда консерва заводи қурилади. Италиялик сармоядорлар билан шартнома имзоланди.

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Вилоятимиз боғбонлари янги боғлар яратишда катта тажрибага эга. Улар томонидан барпо қилинаётган интенсив боғлар бугунги кунда нафақат оилалар да-

ромадининг ошишига, фаровонликка, балки вилоят иқтисодиётининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Вилоят соҳибкорлари ҳар йили 250-300 гектаргача пакана ва ярим пакана мевали боғларни барпо этаётгани, айниқса, эътиборлидир.

2017 йили 800 гектарга экилган интенсив боғларда жорий йилда илк ҳосил олинади. Минтақада боғларнинг умумий майдони 2800 гектарни ташкил қилади. 29 минг гектарда узум етиштирилмоқда. Сариағаш туманида боғлар майдони сўнгги уч йилда 300 гектарга кенгайди, унинг ярми – интенсив боғлар.

ТЎЛЕБИЙЛИКЛАР – ПЕШҚАДАМ

Тўлебий туманида бодом ва грек ёнғоғи етиштирилмоқда.

– Туманда собиқ Иттифоқ даврида боғдорчилик ривожланган эди, – дейди меҳнат фахрийси, кўп йиллар боғдорчилик билан шуғулланган Давронбек Пирназаров. – Улуғ Ватан уруши йилларида тумандан ва-

гон-вагон мева жўнатилгани тарихий ҳужжатларда ёзилган. Бу ерда етиштирилган олмалар Москвадаги халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида юқори баҳоланган. Олма ҳосилини боғбонлар териб олишга улгурмагани учун шаҳарликлар ҳашарга чақирилган. Тажрибали боғбонлар туманда ҳозир ҳам етарли. Улар туманининг боғдорчилик билан доғлиқ бўлган илгариги доғруғини тиклаш ҳаракатида.

– Элбоши 2022 йилгача «ақлли» қишлоқ хўжалиги учун автоматлаштирилган тизимлар ва технологияларни оммалаштиришни топширди, – деди туман ҳокими ўринбосари С. Дуйсебаев. – Бу туманда боғдорчиликни ривожлантиришни янги босқичга кўтаради. Аҳоли сони йилдан йилга кўпайиб бораётганини, сув, электр энергияси ва бошқа табиий захираларимизнинг чекланганини инобатга олсак, «ақлли» қишлоқ хўжалигининг аҳамияти нақадар залворлигини англаб етамиз.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

ЙИЛҚИЧИЛИК – СЕРҒОЙДА ТАРМОҚ



Туманда давлат дастурлари доирасида ўз ишини очган хусусий тадбиркорлар қатори кенгаймоқда. Чунончи, «Игилік» дастури доирасида насия олиб, мол бўрдоқилаш, йилқичилик билан шуғулланаётган чорвадорлар сони ортмоқда.

Шулардан бири, Қорағаш қишлоғида истиқомат қилувчи Талғат Айдарқулов қимиз етиштириб, даромадли соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Шунингдек, туманда 22та хўжалик шифобахш ичимлик билан савдо тармоқларини узлуксиз таъминлаб келмоқда. Туманда шу соҳага мослашган «Таң нуры» қимиз билан даволаш маркази ҳам мавжуд.

Соғломлаштириш маркази – нафас йўллари, қон таркибидаги қанд миқдорини пасайтириш имконини беради ва асаб касалликларини даволайди. Айтганча, бугунги кунда ушбу марказ 84 нафар одамни қабул қилиш имкониятига эга бўлса, таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари тугатилгандан сўнг кўшимча 60та ўрин очилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Тўхтаган манзилга етолмайди, орзулари, мақсадлари армонга айланади.

– Бугун эътибор йирик шаҳарларни турли қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлайдиган соҳаларга қаратилаяпти. Демак маориф, маърифат, санъат, sanoat, уй-жой қурилиши, барча-барчаси узвий равишда ривожлантирилиши керак, – дейди кекса маорифчилардан бири Раҳмат ака Жабборов. – Қишлоқларимизда мустақилликнинг шарофати билан замонавий мактаб бинолари қад ростламоқда. Улар энг сўнгги русумдаги компьютерлар, ўқув қуроллари ва кўркем жиҳозлар билан таъминланди. Эндиги масала улардан қандай фойдаланишда.

– Умримнинг асосий мазмуни, non-насибам қишлоқлардаги қурилишлар билан боғлиқ, – дейди кекса қурувчилардан Бердибек Худойқулов. – Марказлашган қишлоқларда кичик ва катта бозорларни ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бундан кўп нарса ютилади. Биринчиси, қишлоқда ночорлар ва ишсизлар кескин камади. Чунки, аҳоли бозори олдида бўлгач, томорқасида нимадир етиштиргиси, уни пулга айлантиргиси келади.

Иккинчидан, етиштирилган маҳсулот бозордан орта бошласа, ўз мулки-пойдеворига эга бўлган фермер хўжаликлари қараб турмайди, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар қуришга киришади. Бу ҳам ишчи кучи талаб қилади, истасак ҳам, истамасак ҳам иш ўринлари очилади.

Учинчидан, бозор ичи ва ташқарисида машиный биноларнинг кўпайиши ҳам эл бойлиги. Янги савдо дўконлари, ошхона, чойхона ва бошқа хизматлар ҳам юзага келадики, бу ҳам фаровонликнинг бир белгиси.



ФАРОВОНЛИККА БОШЛОВЧИ ЙЎЛ

Тўлебий туманининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам кун оша янги савдо расталари, дўконлар ишга тушяптики, уларда уйда ишсиз ўтирган аёллар фаолият юритишяпти. Улар томорқасида етиштирилган маҳсулотни бозорга олиб чиқиби, уни пулга айлантиришни маъқул кўришяпти.

– Илгари томорқага эътибор жуда кам эди, қорамол учун бир амаллаб чала-чулла маккажўхори экиб олардик, – дейди нафақадаги ҳайдовчи Неъмат Норқобилов суҳбатимизга қўшилган экан. – Сабзавот ва полиз маҳсулотларини 15-20 чақирим йўл босиб, туман марказидаги бозордан сотиб олишга ўрганиб қолгандик. Томорқа эса қаровсиз ётарди.

Қишлоғимизда бозор қурилдию одамларни ҳам ўйлатиб, ҳам ишлатиб қўйди. Томорқа хазинанинг қони эканлиги амалда исботланаяпти. Мева-чева, сабзавот экинларининг ортиқча ҳосили бозорга чиқаяпти.

– Янгилик яратиш, бирор нарсани вужудга келтириш қийин иш, аммо олға интилган, изланган одам бунинг уддасидан чиқади, – дейди фермер хўжалиги раиси Мингбой Хуррамов. – Жуда кўп хонадонларда бўрдоқига хўкиз, кўчқор боқилляпти. Бу – анча маҳсулот, катта пул. Тайёр маҳсулотни савдогарлар сотиб олиб, қаёқларгадир жўнатишяпти. Бирор маҳалла ҳудудида гўштни қайта ишлайдиган цехми, корхонами қурилса, кимнинг фойда-

си, элнинг, шу ерда яшовчиларнинг...

Суҳбатдошларимнинг гапи шуни аңлатадики, барча эртанги кун учун, келажак учун фикрляпти, меҳнат қилляпти. Тараққиёт ғоялари ва унинг амалга ошиши халққа ҳар томонлама ўсишни, эркин мулоҳаза қилишни ва ҳалол ишлаб, бойиш йўлларини ўргатади. Тараққиёт бор жойда фаровонлик ва бунёдкорлик юксалган. Инсон ҳеч қачон бир жойда қотиб қолмайди. У ё орқага, ё олдинга кетади. Олдинга интилганлар ютган. Зеро, бахт ҳам, омад ҳам, шараф-шон ҳам тараққиётнинг мевасидир.

Б. ДЎСМАТОВА.



АҚШда кўп марта фойдаланиладиган тиббий ниқоб ихтиро қилинди.

АГРАР СОҲАГА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА



Қазигурт туман ҳокимлигининг навбатдаги девон мажлисида қатор долзарб масалалар кўтарилди. Чунончи, зотдор моллар ва уларни кўпайтириш билан боғлиқ муаммолар, томчилатиб суғориш, иссиқхоналар, боғдорчиликни ривожлантириш, йиғим-терим ишларининг суръати, кичик бизнес вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоя қилиш ва муаммолари ечимини топиш каби масалалар тadbирнинг асосий мавзуси бўлди.

– Туман ҳокимлиги томонидан давлатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошираётган ислохотларини амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган, – деди туман ҳокими Тўлеген Телғараев. – Бу дастурда келгуси уч йилда ба- жарилладиган истиқболли вази- фалар белгиланган. Лекин қиш- лоқ хўжалигидаги муаммоларни ҳал этмасдан туриб, иқтисодий ислохотларни муваффақиятли

давом эттириб бўлмайди.

Ҳоким қишлоқ хўжалигида иқ- тисодий муносабатлар тизимини ўзгартириш аgraр ислохотлар амалга оширилишининг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ердан фойдаланиш тизимини ўзгарти-



риш ва такомиллаштириш, қиш- лоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш муҳим вази- фалар сирасига киради. Деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларига бўлган кизиқишини кучайтириш мақса-

дида улар учун зарур моддий- техникавий шароитлар яратиш ва иқтисодий манфаатдорликни ошириш масаласи ҳам долзарб- дир.

Туманда деҳқончиликда фой- даланиладиган ерлар майдони 100 928 гектарни, шу жумладан бошоқли дон экинлари 44 220,7 гектарни ташкил қилади. «Са- па-2002» МЧБ тўрт йилдан буён инновациявий технологияларни қўллаб, ғалладан мўл ҳосил олиб келмоқда. Яъни, биродар- лик далаларида уруғ ҳайдалма- ган ерга экилади. Шу мақсадда ўтган йили хўжалик 12,4 млн. тенгега Бразилияда ишлаб чи- қарилган дон сепиш агрегатини харид қилган эди. 1500 гектарга бугдой экиб, юқори ҳосил олди ва 21 млн. тенге тежади. Ҳосил- дорлик 23,8 центнерни ташкил этди.

Туманда ёмғирлатиб суғориш

ша-агро» МЧБ ҳам даромадини икки баравар оширди, чунки, бу усул самарали, арзон ҳамда се- рунум. Таъкидлаш жоиз, бу тех-



нология вилоятда илк бор ушбу туманда қўлланила бошлади, дея хабар қилади Туркистон вилоятининг минтақавий ком- муникациялар хизмати ўзининг Фейсбукдаги саҳифасида.

– Қишлоқларда янги иш ўрин- ларини яратиш, аввало, ёшлар- ни иш билан таъминлаш ниҳоят- да долзарб вазифа ҳисобла- нади, – дея давом этди у. – Бу масала ечимининг асосий йўна-

лишларидан бири тadbиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, илғор технологиялар жалб қи- линишини ҳар томонлама қўл- лаб-қувватлашдир. Қолаверса, ёшларни деҳқончилик, боғдор- чилик, узумчилик соҳасига кенг жалб этишимиз керак.

Ҳоким, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳада

йўл қўйилаётган камчиликларни бирма-бир атаб ўтди ва мута- садди ташкилотлар раҳбарла- рига махсус топшириқлар берди. Зотдор молларни кўпайтиришга эътибор етарли эмас, томчи- латиб суғориш режасининг ба- жарилиши назорат қилиниши керак.

“Жанубий Қозоғистон”
мухбири.

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Туркистон вилоятида доимий профилактик тadbирларга қарамас- дан, сув ҳавзаларида одам ўлими ҳолатлари бугуннинг энг муҳим ма- салаларидан бирига айланди.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида 23 киши ҳалок бўлиб, унинг 11 нафа- ри болалар.

Вилоят Фавқуллода вазиятлар департаменти маълумотларига кўра, 12-13 июль кунлари бир неча бахтсиз ҳодиса юз берган. Яъни, 12 июль ку- ни Ўтрор тумани, Балтакўл қишлоқ округига қарашли Аққўл овулининг Сирдарё ўзанида 1997 йили туғилган Қ. Тилеужан исмли фуқаро сувга чўкиб кетган. Шу кунги ушбу тумандаги Қар- қарўнир округига қарашли Шамши ову- ли, Арис ўзанида 1967 йилда туғилган С. Абдиқаримовнинг жасади яқинлари ёрдамида сувдан чиқариб олинган. Гувоҳларнинг айтишича, марҳум маст бўлган. 13 сана куни Арис шаҳридаги Арис ўзанида 1991 йилда туғилган Ғ. Базарбаев сувга чўкиб кетган.

Шунингдек, Сайрам тумани, Оқсув- кент-2 овули, Балуан Шўлақ кўчаси, 1/1 уй қошида зичланган пичан юкланган Газель автотранспорти батамом ёниб кетган. Ёнғин уйнинг томига тегиб, 195 кв.м. майдон ёнган. Ёнғин чоғида ҳайдовчининг 2011 йилда туғилган укаси машина ичида ухлаб ётган ва унинг ичидан чиқолмай шу ерда вафот

этган.

Туркистон вилоят Фавқуллода ва- зиятлар департаменти фуқароларни огоҳликка чорлайди.

Сувда фақат рухсат этилган жойлар ва соҳилларда чўмилиш; чўмиладиган жойни, сувнинг тозаллигини, чуқур- лигини текшириб туриш; овқатланиб бўлгач, сувга тушманг; сувга тушгач, бир-бирингизни ва болаларни кўздан йўқотмасликка ҳаракат қилинг; шу- нингдек, машинадаги электр ускуна- ларини текшириб туриш; ёнилги қуйиш тизимини назорат қилинг; салонда тамаки чекманг; транспортнингиздаги ёнғин хавфсизлигига лоқайд бўлманг!

Сув ҳавзаларида фуқаролар хавф- сизлигини таъминлаш мақсадида департаментнинг тузилмавий ҳамда ҳудудий бўлимлари билан тарғибот тadbирлари кенг қўламда олиб борил- моқда. Маҳаллий полиция хизмати бил- ан биргаликда, бугунги кунгача 181та рейд тadbирлари олиб борилиб, 22 фуқарога ҚР Кодексининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида”ги 440-мод- дасига биноан 236 минг 130 тенге маъмурий жарима солинди. Вилоятда чўмилиш мавсумини хавфсиз ўтказиш ишлари давом эттирилади.

Вилоят Фавқуллода
вазиятлар департаменти ички
ва ташқи коммуникация гуруҳи.

СЕРФАРЗАНД ОИЛАЛАР ДАВЛАТ ҒАМХЎРЛИГИДА



Жорий йил Қозоғистонда кўп болали оналарга 113,6 миллиард тенге нафақа берилди.

2020 йил январь-июнь ойларида 389,1 минг серфарзанд оилага жами 113,6 миллиард тенге миқдорида нафақа бе- рилди.

ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазириликнинг маълумотларига кўра, вояга етмаган 4 ёки ундан ортиқ фар- занди бор ёки 23 ёшгача бўлган, фарзанди кундузги бўлим талабаси бўлган оила- лар даромадларидан қатъи назар, ушбу давлат нафақасини олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Болалар сонига қараб тўлов миқдори 42,5 минг тенгедан (4 бола) 74,4 минггача (7 ёки ундан кўп бола), 8 ва ундан кўп фарзанди бўлса, ҳар бири учун ойлик ҳисоб кўрсаткичининг (2778 тенге) 4 баравари миқдорида берилди. Шундай қилиб, ушбу нафақанинг кўпайиши 8 ва

ундан ортиқ болали оилалар учун инди- видуал тарифларни белгилаш ҳисобида таъминланди.

Тегишли қонун Президент томонидан шу йил 13 май куни имзоланган. 8 фар- зандли оилага 88 896 тенге нафақа бери- лади.

9 бола учун 100 008 тенге;
10 фарзанд учун – 111 120 тенге;
11 фарзанд учун – 122 232 тенге;
12 фарзанд учун – 133 344 тенге;
13 фарзанд учун – 144 456 тенге;
14 фарзанд учун – 155 568 тенге;
15 фарзанд учун – 166 680 тенге;
16 фарзанд учун – 177 792 тенге тўла- нади.

Эслатиб ўтамиз, Қозоғистонда кўп бо- лали оилалар учун янги давлат нафақаси 2020 йил 1 январдан бошлаб берилмоқда.

ҚозАхборот.

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ 5 МИЛЛИОНТА ДОРИ

Туркистон вилоятига тахминан 5 миллионга яқин дори воситалари кел- тирилди. Бу ўз навбатида аҳоли зич жойлашган минтақадаги дори-дармон танқислигига барҳам бериши шубҳасиз.

Пандемияга қарши кураш учун вилоят бюджетидан маблағ ажратилди, Ўзбекис- тондан эса амброксол, левофлаксацин, аминофиллин, азитромицин, цефтриаксон, парацетамол, метранидазол, дексамета-

зон, эуфиллин каби дорилар етказилди.

Дори-дармонларнинг ярми туман, ша- ҳарлардаги касалхоналарга тарқатилса, ярми ҳокимликлар билан шартнома тузган 153та дорихонага имтиёзли баҳода тақ- симланади.

Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.

АНЧА МАСАЛА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Туркистон шаҳри ҳоқими Рашид Аюпов эндиликда шаҳар аҳолисини онлайн қабул қилади. Буни шаҳар раҳбари шаҳардаги эпидемиологик аҳвол юзасидан ўтказган бевосита эфирда маълум қилди. Умуман олганда, йил бошидан буён 160 нафарга яқин фуқаро шаҳар ҳоқими қабулида бўлиб, тўхтатилган эди. Ана шу даврда қабулга ёзилган 149 нафар фуқарони “ZOOM” дастури доирасида навбатма-навбат қабул қилади.



Бир соат давом этган эфир давомиди улар сув, йўл, қурилиш, ишсизлик, ерни давлат тасарруфига чиқариш, таълим соҳасига оид саволлар билан мурожаат қилишган.

Карантин муносабати билан иши тўхтаб турган фуқаролар “Аҳоли бандлиги маркази”га бориб, ишли бўлишлари мумкин. Рашид Абадули, айниқса, шаҳарни ободонлаштириш ва қурилиш соҳаларида иш кўплигини таъкидлади. Чунончи, уй навбатининг кечикаётганини айтган фуқароларга ҳоқим ишчи кучининг камлиги, қурилиш соҳасида иш сустлашганини яширмади. Сентябрь-октябрь ойларида 1002та квартира давлат дастурлари орқали насияга берилса, 450та квартира навбатда турганларга берилишини айтган Рашид Абадули, “Туркистон” ижтимоий тадбиркорлик корпорацияси томонидан яна 4та уй ушбу тоифадагиларга берилиши кутилмоқда.

Экин майдонларига сув кўп талаб этиладиғанда техникаларнинг ҳам ишдан чиқиши кўп кузатилади. Туркистон шаҳрига сув Кентов шаҳридан келганлиги учун вилоят ҳоқимининг топшириғига кўра, ўтган йилда Туркистонда сув омборининг қурилиши бошланган эди. Сув танқислиги учун раҳбарлар номидан кечирим сўраган шаҳар ҳоқими яқин келажакда шаҳар ўз сув омборига эга бўлишини айтди.

Ҳоқим яқинлашиб келаятган Қурбон ҳайити ҳақида гапириб, қурбонликни уйда қилишга чақирди. Жорий йилда қурбонликка онлайн буюртма бериш мумкин, бунинг учун махсус сайт очилган.

Фуқароларнинг янги ўқув йили ҳақидаги

саволларига жавоб берган шаҳар ҳоқими ўқув йилига масофадан ўқитиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини айтди.

– Нархларни тушириш борасида “Қазақтелеком” ва “Транстелеком” билан музокара ўтказяпмиз. Ижтимоий аҳволи ночор оилаларга планшет олиб бериш ражалаштирилмоқда. Сабаби, планшетдан фойдаланиш осон. Ҳозир ўқитувчилар видеоматериаллар тайёрлашмоқда, маҳаллий телеканаллар билан шартномалар тузилмоқда. Болаларини мактабда ўқитишни истаётган ота-оналар ҳам бор. Лекин, бу хавфли. Биз вазирликнинг қарори бўйича иш юритамиз, – деди Р. Аюпов.

Уй қуришга ер участкаси бериш учун ерда инфратузилма ишлари тўлиқ юритилган бўлиши керак. Архитекторлар уй режасини тасдиқлагач, ер берилиши мумкин.

Дорихоналарда нархларнинг кўтарилиб кетмаслигини махсус тезкор гуруҳ назорат қилиб бормоқда. Дори-дармон танқислигини бартараф этиш мақсадида Алмати шаҳридан зарур дорилар олиб келинди. Беморларни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбиркорлар, кўнгилчилар, қўшни республикалар ва компаниялар билан ҳамкорликда иш юритилмоқда. Шунингдек, “Amazing Turkistan” иловасидаги “Дорихона”, “Хизмат” бўлимлари, тезкор гуруҳ иши ва дезинфекция тадбирларига тўхталган шаҳар ҳоқими шаҳарликларни карантин қоидаларига қатъий амал қилишга чақирди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ — ДАВР ТАЛАБИ



Бугунги кунда бутун дунё, хусусан, мамлакатимизда ҳам қайта тикланувчи, яъни муқобил энергиядан фойдаланиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда бундай манбалар дунёвий аҳамият касб этиб, дунё иқтисодиётидаги устувор йўналишлардан бирига айланмоқда.

Яқин келажакда у ёки бу давлатнинг барқарор ривожланиши энергетика тармоғида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоғига узвий боғлиқ бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу борада Тўлебей туманида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, келгуси икки йилда Тасариқ, Кўксаек, Мадани, Сарқирама овулларидаги Сай-

рамсу ва Ақсу дарёлари бўйида умумий ҳисобда 14 мегаватт электр қуввати ишлаб чиқарадиган учта гидроэлектростанция ва қуёш нуридан 8 мегаватт электр қуввати ишлаб чиқарадиган битта электростанция ишга туширилади. Натижада, 37 одам доимий иш билан таъминланади. Бу билан тумanning электр энергиясига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.

ЭКСПО-2017 Халқаро кўргазмасининг мана шу мавзуга бағишлангани бежиз эмас. Чунки, қуёш энергиясидан амалда фойдаланиш учун юртимизда яратилган шарт-шароит ва мавжуд имкониятлар мазкур минтақадан бу соҳадаги илғор технологияларни нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиёда тажриба тариқасида жорий этиш майдони сифатида фойдаланишга асос бўлиб хизмат қилади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

● Бизнинг мусоҳаба

Вилоят маслаҳати депутати, «Иасси» консорциуми раиси, доимий жамоатчи обуначимиз Умбет Абилдаули ЖУСИПБАЕВ(тасвирда) билан мулоқотимиз унинг муҳим мавзу – «Энергопоток» МЧБнинг электр энергияси билан таъминлаш баҳоси ўсиши хусусидаги ахборот муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги иштирокидан сўнг бўлди.



У. ЖУСИПБАЕВ:

«ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИГА ЎТИШИ КЕРАК...»

ҚР Миллий иқтисодиёт вазирлигининг табиий монополияларни тартибга келтириш кўмитаси Туркистон вилояти бўйича департаменти раҳбари вазифасини бажарувчи Айбек Егембергенов раислик қилган ҳамда Шимкент шаҳри ва Туркистон вилояти аҳолиси, жамоат ташкилотлари, ҳоқимликлари иштирокида онлайн тартибда ўтган ушбу анжуманда депутат У. Жусипбаев шахсан иштирок этиб, ҳайъатдан туриб кўп таклифлар, талаблар, ҳамда электр энергияси таъминоти соҳасини давлат тасарруфига ўтказиш таклифини яна бир бор илгари сурди. Бу таклифни нафақат кўпчилик, балки электр энергияси таъминоти билан шуғулланувчи ташкилот вакиллари ҳам тўғри қабул қилишди.

– **Ҳурматли Умбет Абилдаули, энергетика, хусусан электр таъминоти соҳаси ҳар бир оилага, ҳар бир тадбиркорга, ҳар бир ташкилотга алоқадор кенг мавзу. Сиз электр таъминотини давлат тасарруфига ўтказиш керак, деган таклифингизни рақамлар, амалий далиллар билан исботлаб берсангиз?**

– Электр таъминотини давлат тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифимнинг асослари кўп. Биринчидан, ҳозир карантин, жаҳон бўйлаб пандемия офати давом этмоқда. Электр таъминоти корхоналари март ойдан, дастлабки карантин эълон қилинганда бошлаб истеъмолчилар учун имтиёзли шароитлар яратиб беришган. Бу – тўлов ва бошқа жараёнларда аксини топади. Лекин, турли иқтисодий сабабларга кўра ҚР энергетика вазирлиги электр энергияси баҳосини уни ишлаб чиқарувчи корхоналар харажати 0,7 фоиздан 25 фоизга ошиши сабабли август ойи бошидан, хусусий шахслар учун 11,1 фоиз кўтариш ҳақида тавсияси бежиз эмас. Бу жараён июль ойида амалга ошиши лозим эди. Аммо, ҳозирги қийин шароитда нарх ошиши ҳам даргумон. Бироқ, электр таъминоти, яъни электр энергиясини ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб берувчи корхоналарнинг ҳам ўз сарф-харажатлари, ўзига хос муаммолари, хуллас ўз ҳисоб-китоблари бор. Улар март ойдан буён истеъмолчиларнинг барча шартларига чидаб келишмоқда. Лекин, сабрнинг ҳам чегараси бор. Улар, агар сарф-харажатлари, маблағлари ўрни тўлдирилмаса электр таъминоти жараёнида узилишларга йўл қўйилиши мумкин. Амалда бу қандай салбий оқибатларга олиб келади.

Ҳозирги пандемия авж олган мурракб шароитда шаҳримиз, вилоятимиз, республикамизда соғлиқни сақлаш муассасаларида минглаб беморлар сунъий нафас олиш мосламалари, кислород билан таъминлаш жиҳозларига уланган. Электр таъминотида узилиш бўлса, беморлар ҳам азият чекиши табиий. Масаланинг ечими битта – электр таъминотини давлат ўз тасарруфига олиши керак. Мен иштирок этган йиғилишда март ойига қадар (карантин бошлангунга қадар) Кентов шаҳрида электр энергияси учун пулни ўз вақтида тўламаган абонентларни тармоқдан узиб қўйиш ва яна улаш учун минг тенге талаб этилиши ҳақида савол тушди.

Этибор қаратинг, бу – карантин бошлангунга қадар бўлган воқеа. Карантинда, яъни айни паллада аҳолининг, тадбиркорларнинг тўлов қобилияти ўта паст, яъни электр таъминоти ташкилотлари молиявий инқирозга учраши мумкин. Шу боис, яна бир қарра таъкидлайдиганим – электр таъминотидек аҳолининг барча табақасига хизмат кўрсадиган йирик соҳа давлат, яъни бюджет тасарруфига ўтказилса, юқорида зикр этилган барча масалалар ўз-ўзидан барҳам топади. Яъни, харажатлар масаласида давлат бюджети бу соҳани ўз тасарруфига олиши керак.

– **Сизга ушбу йиғилишда мазкур ҳужжатларни муҳокама қилишда келажакда эксперт сифатида иштирок этишингизни таклиф қилишди. Ушбу мавзуда яна қандай таклифларингиз бор?**

– Депутат, ҳамда 25 мингдан зиёд сайловчиси бор халқ вакили сифатида ушбу мавзу менинг доимий диққат марказимда бўлиб келган. Бу ҳақда шаҳар, вилоят, республика мутасадди ташкилотларига ҳам ёзма равишда мурожаат қилиб, расмий жавоб олганман. Туркистон вилоятида электр энергияси (табиий газ ҳам) баҳоси мамлакатимизнинг бошқа минтақаларига қараганда анча юқори. Ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчилар орасидаги даллол ташкилотларни йўқ қилиш керак. Жуда кўп муаммо, қийинчиликларга сабаб бўлган пандемияга боғлиқ эълон қилинган карантин яна қанча давом этишини, олти ой, ёки бир йилми, ундан ҳам кўпми ҳеч ким билмайди. Масала эса ечимини кутмоқда.

– **Сухбатингиз учун ташаккур.**

Ш. МАДАЛИЕВ.



Москвада Қурбон ҳайити намозини жомеъ масжидида фақат диний уламолар ўқийди.

ХУДОДАН ҚЎРҚМАГАНЛАР

Айтмаганни айтди, дер,
Тўғри йўлдан қайтди, дер,
Бу зот ёмон, дайди, дер,
Худодан қўрқмаганлар.

Чақимчилик қиласиз,
Кимга туҳмат иласиз,
Кимдан ибрат оласиз,
Худодан қўрқмаганлар.

Олифталик қиласиз,
Бировларга куласиз,
Иймон гулин юласиз
Худодан қўрқмаганлар.

Тўйнинг тўрин бермайсиз,
Хизмат қилиб юрмайсиз,
Дилдан нишни термайсиз,
Худодан қўрқмаганлар.



Ўзингизда номус йўқ,
Кўзларингиз доим лўқ,
Жиғилдон ҳеч бўлмас тўқ,
Худодан қўрқмаганлар.

Инсоф берсин Оллоҳим,
Кечсин ўзи гуноҳин,
Гул берсин тинглаб оҳин,
Худодан қўрқмаганлар.

Намазбай ҚАНДАУЛЕТОВ.
Ўрдабоши тумани,
Шубарсу қишлоғи.

ПАНОҲИНГДА АСРАГИН!

Дунёлар ичинда дунёим Сайрам,
Гулзорлар ичинда гулзор ўзингсан.
Ҳатто қўшиғимда янграйди ҳар дам
Паноҳингда асрагин Сайрамни Эгам.

Ўтди қанча авлиё-ю, қанча қаландар,
Сайрамга ҳавас қилар қанча инсонлар.
Офат берма, ғам-ташвиш бермагин ҳеч ҳам,
Паноҳингда асрагин Сайрамни Эгам.

Инсофлидир инсонлар, оқибати бор,
Нон ёпса, қўшига илинадиганлар бор.
Топилмас бундай гўша Парижларда ҳам,
Паноҳингда асрагин Сайрамни Эгам.

Аллоҳни каломини қўймас боболар,
Жонкуяр набиралар учун момолар,
Меҳнатсевар, дилкашдир одамлар,
Паноҳингда асрагин Сайрамни Эгам.



АЛЛА АЙТИНГ ОНА

Бугун жуда соғиндим сўзингиз она,
Мен эсладим ҳар куни юзингиз она.
Кўксингизга бош қўйиб,
меҳрингиз туйсам...
Яна бир бора алла айтинг сиз она.

Аллангиз янгрисин бутун оламга,
Тошдаин дилимни юмшатсин яна,
Соғинчу меҳрингиз иккисин қўшиб,
Яна бир бора алла айтинг сиз она.

Балки бўлолмадим, сизга чин сирдош,
Ёрдам беролмадим, ишга кўмилиб,
Юрган йўлингизда бўлмадим йўлдош,
Келар юргим эртақларга "чўмилиб".

Яна бир бора алла айтинг сиз она...

Турсуной ЮСВАЛИЕВА.

ШИФОБАХШ КОВРАК ОҲАНРАБОСИ



САЛАМАТТЫ
КАЗАКСТАН

Ўтган йилнинг кузида Туркистон вилоят ички ишлар департаменти ўтказган «Нолегал» уч кунлик операцияси пайтида 157 нафар Афғонистон фуқароси аниқланди. Улар сайёҳлик виза билан Алмати шаҳри ва вилоятга келиб, Туркистон вилоятга йўл олишган экан. Уларга нисбатан Қозоғистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 517-моддаси бўйича маъмурий жазо қўлланилди. Бундай ҳолларда Қозоғистонда қонунбузарларга жазонинг уч тури қўлланилади – ҳибс, жарима ва депортация. Суд уларни депортация қилишга қарор қилди.

Аниқланишича, улар коврак(ферула) доривор гиёҳ териш учун келишган, ўз юртида уларга сассиқ ковракнинг 1 тоннаси учун 20 минг АҚШ доллари ваъда қилинган экан.

Сассиқ коврак қандай гиёҳ?

Нима сабабдан у одамларни минг чақиримдан оҳанрабадай ўзига тортмоқда?

– Гап шундаки, сассиқ коврак расмий тиббиётда кенг қўлланилаётган ва расман тан олинган доривор гиёҳ, – дейди ҚР Таълим ва фан вазирлиги Ботаника ва фитохимия институти лаборатория мудираси Н. Гемежиева. – Қозоғистон Республика ва бошқа қатор давлатларда доривор гиёҳлар реестрига киритилган.

Махсус адабиётда бу гиёҳнинг халқ табобатида қадимдан қўлланилаётгани ёзилган. Коврак зирадошлар оиласига мансуб ўсимлик. Ер юзиде унинг 170дан зиёд тури бўлиб, мамлакатимизда 50 тури учрайди. Смола-елим олиш учун 10 тури ишлатилади. Табиатда сассиқ коврак тарқалган бўлиб, елим-смола асосан шу турдан олинади.

Коврак асосан, кумли чўллар, адирлар, тоғлар ва тоғолди ялангликларда, соф тупроқли ерларда ўсади. Ундан халқ табобатида азалдан хавфли ишлар ва захм касаллигини даволашда, ундан олинган елим-смоланинг спиртли тиндирмаси астма, томир тортиши ва асаб касалликларида ишлатилган.

Тиббиётда коврак елим-смоласи — assafoetida номи билан кукун, эмулсия ва спиртли тиндирма ҳамда оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади. Шарқ мамлакатларидан Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Афғонистонда унинг елими ва илдизи қандолатчиликда зиравор сифатида, косметика саноатида атторлик воситалари ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Ибн Синонинг фикрича, коврак уруғининг қайнатмаси 3 маҳал 50 граммдан ичилса, она сути кўпаяди. Ширасига анжир қўшиб ейилса, сариқ касаллигини тўзатади. Елимга мурч, сирка қўшиб, ёмон сифатли яраларга сурилса, фойда қилади. Соч тўкилишига ҳам ўта фойдалидир. Шунингдек, бош мия, склероз, бронхит, астма, гепатит, кўк йўтал, диабетга даво, қон кетишини тўзатади. Иштаҳани очади. Илдизи томчилаб сийиш ва буйрак оғриқларига шифо. Уч маҳал қайнатмасидан 30 граммдан ичилса, фойда

қилади. Илдиз қайнатмаси барча оғриқларни босади. Бўғилишни кетказади, оғриқни тўзатади.

Белгиланган тартибда ковракнинг елим-смоласини йиғиш учун Қозоғистон Республикаси биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишда назорат қилиш инспекцияси томонидан ҳар йили квота ажратилади ва шу асосда керакли хом ашё тайёрланади. Аммо ўсимлик смоласини йиғишда фуқаролар белгиланган йўриқномадан фойдаланмапти.



Афсоналарга кўра бу ўсимлик Ўрта Осиёга эраимиздан аввалги 6 асрда Ғарбий Африкадан келтирилган. Ҳозирги кунда ковракзорлар фақатгина тоғолди майдонларда сақланиб қолган, холос.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган «Ферулен» доривор воситаси сассиқ ковракнинг майда барглисидан тайёрланади ва простатит ва аденоними даволашда «Простамо» ва «Синестрол»(улар Қозоғистонга хорижий давлатлардан импорт қилинади)дан самаралироқ экани исботланди. Қозоғистон ковраги ҳам шу каби доривор воситалар ишлаб чиқариш истиқболларини очади ва улар билан мамлакатимиз ва яқин хориж давлатларини таъминлаш имконини беради.

Сассиқ коврак ҳаётининг шаклига кўра 8-9 йилда бир мартаба гуллайди ва мева бериб, кейин нобуд бўлади. Ундан хўжасизларча фойдаланиш оқибатида ушбу ўсимлик турининг майдонлари йил сайин қисқариб бормоқда.

Шу боис, бу ўсимликдан фойдаланиш меъёрларини ва жавобгарликни қатъий белгилаб, ҳар йили йўқотиладиган ковракларнинг ўрнини тўлдириб бориш ҳақида ҳам жиддий ўйлаш керак. Гиёҳни теришда йўл қўйилган хатолар туфайли экотизим уйғунлиги бузилади ва бу гиёҳнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Авазхон АБУФАТТОҲ.

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

- Моцартнинг майити шахси ноъмалум қашшоқларни кўмишга мўлжалланган қабристонга қўйилган.
- Ҳар бир одам ҳаётининг ўртача 2 ҳафтасини светофорда тўхтаб, кутишга сарфлайди.
- Капалак қуртининг 4 мингта мушаги бор. Инсонда эса – 600 та.
- “Кенгуру” сўзининг маъноси – “мен билмайман”. Капитан Кук абориенлардан бу қандай ҳайвон деб сўраганида улар “билмайман” деб жавоб беришган.
- Саккизоёқнинг кўз қорачиғи тўртбурчак шаклида.
- Ҳар қандай ҳайвонни ўлдир оладиган Африка асаларилари асалхўр-га бас келишолмайди, холос.
- Томас Эдисоннинг 5 мингтадан ортиқ қуши бўлган.
- Энг кўп пишлоқ Францияда ейилади. Шунингдек, бу мамлакат дунёдаги барча пишлоқнинг деярли ярмини етказиб беради.
- Тарихда энг ёмон ҳайдовчи сифатида қолган 70 яшар чол 12 дақиқа ичида 10та жарима олган, 4 марта қарама-қарши йўлга чиқиб кетиб, 6та ҳалокатга сабабчи бўлган.
- Тарихда энг ёмон ҳайдовчилардан бири сифатида қолган 62 ёшли аёл эса ҳайдовчилик имтиҳонларини 40 марта топширган.
- Британиялик файласуф Жереми Бентем 1832 йилда вафот этиб, барча бойлигини Лондон шифохонасига мерос қилиб қолдираётганда бир шарт қўйган: унинг майити бошқарма йиғилишларида қатнашиши керак. Ҳозиргача у барча мажлисларда “иштирок этади”.
- Голландия гимнининг ўн бешта мисраси бош ҳарфлари бирлаштирилса, Виллем Ван Нассовнинг исми келиб чиқади.
- Оливер Кромвел вафот этгандан икки йил ўтгач, дорга осилиб, кейин боши танасидан жудо қилинган.
- Самолётларга Тож Маҳал устидан учиб ўтиш тақиқланган.
- Денгиз юлдузини бўлақларга бўлиб ташласангиз, унинг ҳар бир қисми вақт ўтиб яна юлдузга айланади.
- Авваллари музқаймоқ тайёрланаётганда тухум ва шакардан фойдаланилмаган. Ҳозирги кунда эса музқаймоқларнинг айрим турларига сув ўтлари қўшилади.
- Қизил ғоз 80 йилча яшаши мумкин.
- Туя сути ивиб қолмайди.
- Аёллар дўконларда эркаклардан 4 баравар кўпроқ ўғрилиқ қилишади.
- 1952 йилда Эйнштейнга Исроил президенти бўлиш таклиф қилинган.
- АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон ўз инаугурациясини ўтказиш учун қарз олган.
- Ерда 200 миллион йилдан буён истиқомат қилиб келаётган, ҳатто музлик даврини яшаб ўтган тошбақалар турларининг деярли ярми бугунги кунда йўқолиб кетиш арафасида. Бунга улардан турли таомлар ва дори-лар тайёрланиши сабаб.
- Буқаламуннинг тили танасидан икки баравар узун.
- Кокос ёнғоқларидаги суюқлик фавқулодда ҳолатда қон плазмасининг ўрнини босиши мумкин.
- Рубик кубигини атиги 17 марта бураб, барча рангларини ўз жойига жойлаш мумкин.
- Кемалар сувда қолдирадиган “изни” ҳатто космосдан кўриш мумкин.
- Дунёдаги энг машҳур электрон китоб – Стивен Кингнинг “Ўқни миниб” асари.
- Қартадаги қироллар прототиплари: қарға қирол – Шоҳ Довуд, чиллик қирол – Буюк Александр, таппон қирол – Буюк Карл, гишт қирол – Юлий Цезар.
- Гарвард – АҚШдаги энг қадимий университет.
- 1876 йилда Америкада Марказий истироҳат боғи очилди. Унинг майдони Монако давлатиникидан икки баравар катта.
- Ҳар бир киши ҳаётининг ўртача 2 йилини телефонда гаплашишга сарфлайди.
- Дунёда гуручнинг 15 мингдан ортиқ тури бор. Уни жаҳон аҳолисининг деярли ярми ҳар куни истеъмол қилади.
- Пиширилган қисқичбақанинг думи тик бўлиши унинг ўлганидан кейин қозонга солинганидан далолат беради. Тириклайин пиширилган қисқичбақанинг думи эгилган бўлади.
- Радийни кашф этгани учун Нобел мукофотида сазовор бўлган Мария Склодовская-Кюри нурланиш касаллигидан вафот этган.

Аё Софияда 86 йилда илк бор жума намози ўқилди.



Томоқда оғриқ ҳаётимиз давомида кўп учрайди. Бунинг асосий сабаби – муртак (бодомсимон) безларининг яллиғланиши. Нима қилиш керак?

ТОМОҚДАГИ ОҒРИҚНИ ҚАНДАЙ КАМАЙТИРИШ МУМКИН?

ФАРИНГИТ

Томоқнинг инфекциян яллиғлашини, кўпинча вирус, баъзан бактерия ёки замбуруғ чақиради. Томоқ таъсирланиши тамаки тунни, алкоголь, узоқ сўзлашиш ёки бақириниш натижасида бўлиши мумкин.

Фарингит белгилари касалликнинг ўткир ёки сурункали кечилишига боғлиқ. Бироқ асосий кўринишлари ангинага ўхшаш, фақат оғриқ даражасида фарқ қилади: томоқдаги оғриқ, ютишининг қийинлашуви, баъзан иситма кўтарилиши, қизарган, шишган томоқ.

Кўп ҳолатларда фарингит ўзи тўзалади.

Ўзингизга қандай ёрдам бера оласиз?

Чекмаслик! Қаттиқ, дағал овқат билан томоқни зарарланган. Фойдали бўтқалар ва ютиш осон бўлган бошқа маҳсулотлар тановул қилин.

Кучли оғриқда оғриқ қолдирувчи воситаларни қабул қилин.

Fluasol билан томоқни чайқанг. Бу бактерияга қарши дори, инфекцияни камайтириб, бактерия, вирус, замбуруғларни йўқ қилади. Томоқ ва муртак безларини микроблардан тозалаб, емирилган ва шикастланган ҳужайраларни тиклайди.

Томоқдаги оғриқ тўтамаса, иситма кўтарилса, ёки уйда тўзатиб бўлмайдиган бошқа касаллик белгилари пайдо бўлса, шифокорга мурожаат қилин.

Тонзиллит [лот. tonsilla – муртак безлари] – муртакнинг яллиғланиши. Ўткир ва сурункали тонзиллит фарқ қилинади. Сурункали тонзиллитга тез-тез ангина билан оғриш, шунингдек, бурундан қийнаиб нафас олиш, бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиши, чирган тишлар сабаб бўлади. Бемор томоғига бирор нарса қадалгандек сезади, томоғи оғрийди, ачишади, баъзан оғриқ қулоққа ўтади.

Муртак безларида оқиш ва сарғиш нуқтачалар, мушакларда оғриқ, ҳолсизлик, баъзан қусиш кузатилади. Болалар кўпинча томоқдама, қориндаги оғриққа шикоят қилишади. Сурункали тонзиллитда иситма (37,3-37,5° гача) узоқ (ҳафталаб, ҳатто ойлаб) давом этиши, шу билан бирга, бемор ланж бўлиб, боши оғриши, иш қобилияти пасайиши мумкин. Тонзиллитни фақат мутахассис шифокор даволайди: дезинфекцияловчи эритмалар билан томоқ чайилади, муртак каналлари ювилади, сўнг йодглицерин аралашмаси суртилади ва

физотерапевтик муолажалар буюрилади. Бу касаллик тез-тез қўзиб туради. Ундан юрак ва буйрак фаолиятларининг бузилиши ҳамда бўғимларда оғриқ пайдо бўлиши каби асоратлар қолиши мумкин. Бундай асоратлар юз бермаслиги учун лозим бўлганда жарроҳи қилиб, муртаклар олиб ташланади.

ДАВОЛАШ

Асосий тавсиялар:

- антибиотиклар қабул қилиш;
- касалликнинг дастлабки кунларида ётиб даволаниш режими;
- юмшоқ ва озиқали парҳез;
- витаминлар қабул қилиш
- кўп суюқлик ичиш.

38 даражадан юқори ҳароратларда иситма туширувчи воситалар буюрилиши мумкин. Бактериал этиологияли ангинада кўп ҳолларда коккал флорага (стрептококкалар ва стафилококкалар) нисбатан фаолликка эга бўлган антибиотиклар белгиланади, даволаш курси камида 7 кун давом этади. А гуруҳ стрептококкли инфекцияда антибиотикларнинг мақсади асорат сифатида ривожланиши мумкин бўлган ревматик иситмани олдини олишдир.

Ангинада аччиқ, қаттиқ ва ўта иссиқ таомлар тановул қилиш тавсия этилмайди. Томоқни чайиш учун илиқ кучсиз туз эритмасини ишлатиш яхшироқ. Бу муолажа касалликнинг сўнги босқичларида ҳам самаралидир.

Касалликнинг энди бошланишида яримта лимонни пўсти билан секин чайнаш керак. Сўнг бир соат давомида ҳеч нарса истеъмол қилмаслик лозим, бу лимоннинг эфир мойлари ва лимон кислотасига ўз вазифасини бажаришга имкон беради. Янги лимон ўрнига 30 фоизли лимон ишқори эритмасидан фойдаланиш мумкин, бунда томоқ эритма билан кун давомида ҳар соатда чайиб турилади.

Zdorovie.ru.

АСОССИЗ ДОРИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ САЛОМАТЛИК УЧУН ЗАРАРЛИ. ФОЙДАЛАНИШДАН ОЛДИН ЙЎРИҚНОМАСИНИ ДИҚҚАТ БИЛАН ЎҚИҢГ. ДОРИНИ ҚЎЛЛАШ ЮЗАСИДАН ШИФОКОР БИЛАН МАСЛАХАТЛАШИҢГ.

ШИФОКОРЛАРНИНГ УРИНИШИ БЕСАМАР КЕТМАДИ

ТУРКИСТОНЛИК ШИФОКОРЛАР ПНЕВМОНИЯДАН ЎПКАСИНИНГ ҚОН ТОМИРЛАРИ БИТИБ ҚОЛГАН БЕМОРНИ ОМОН ОЛИБ ҚОЛДИ

Вилоятимизнинг 34 ёшдаги фуқароси бир ой бурун фарзанд кўриб, кейинчалик пневмония касаллигини юқтирган эди. Вилоят клиника касалхонасида даволаниб, яхши бўлиб қолади. Бироқ, вирусли пневмония оқибатида ўпка томirlари битиб, қон айланмай қолади. Шифокорлар жадал ҳаракат қилиб, беморни омон олиб қолиш учун 90 дақиқа тиним билмайдилар. Юракни аппарат орқали массаж қилишади ва бошқа чораларни кўришгач, аёл омон қолади ва уйига бежавотир қайтади.

Шифокорларнинг айтишича, клиник назоратлар пневмониядан сўнг қон қуюқлашиши, ўпка ва юрак қон томirlарининг битиб қолишини кўрсатмоқда. Шу сабабли, беморларга қонни суялтирадиган дори-лар тавсия қилинмоқда.

– Коронавирус ёки вирусли пневмония билан касалланганларнинг батамом тузалиб кетиши 14 кундан 6 ойгача чўзилади. Қанд диабет, артериявий гипертензия ва бошқа сурункали хасталиклари бор беморларда тузалиш жараёни оддатдагидан узоқроқ давом этади. Бундан ташқари, анча вақтгача бош оғриғи, бош айланиши, ҳолсизлик, тез чарчаш безовта қилади. Вақтида дам олиб, иммунитетни кўтарадиган таомлардан тановул қилиниши керак. Баъзиларнинг нафас олишини тартибга солишга тўғри келса, баъзилар руҳшунос маслаҳатини олишига тўғри келади, – деди Туркистон вилоят клиника касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари Қалия Толшибаева.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ИЛЛАТ ЧЕКИНМОҚДА

Шимкент шаҳрида пневмонияга чалинган беморларнинг 80 фоизи дарддан фориғ бўлди. Чунончи, йил бошидан буён 12 595 кишига пневмония ташхиси қўйилган бўлса, уларнинг 10 263 нафари даволаниб чиқди. Буни Шимкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Тимирхан Варзилов маълум қилди.

Шунингдек, маърузачи бугунги кунда тиббиёт муассасаларида дори-дармонлар етарли эканлигини таъкидлади.

– Шимкентдаги тиббиёт муасса-

саларида дори-дармон захираси яна икки ойга етади. Тана ҳароратини туширадиган, вирусга қарши препаратлар, антибиотиклар, витаминлар етарли бўлгани учун «Тез ёрдам»га қўнғироқ 65 фоизга камайди. Шунинг таъкидлаш жоизки, 15 июлдан бошлаб «1430» рақамли онлайн маслаҳат мобил иловаси ишга туширилди. Ушбу сайтда 486 нафар рўйхатдан ўтган шифокор аҳолига бепул тиббий маслаҳатлар беради.

Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.

ШИФОКОРЛАРГА ИЖТИМОЙ ТОВОН ПУЛИ

Энди пневмония билан касалланган шифокорларга ҳам 2 млн. тенге товон тўланади

Қозоғистон тиббиёт ходимлари вирусли пневмония билан касалланса, ижтимоий товон пули тўланади, деб хабар беради Kazinfo.muxбири.

Қоидага кўра, COVID-19 – коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларда иштирок этган соғлиқни сақлаш ташкилотлари ходимлари COVID-19 – коронавирус инфекциясининг аломатларига ўхшаш инфекция билан касалланиб, вафот этган бўлса, уларга COVID-19 – коронавирус инфекциясига қарши курашган тиббиёт ходимлари билан бир хил ягона ижтимоий товон пули тўланади. «Ягона ижтимоий тўлов Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси маб-

лағлари ҳисобидан амалга оширилади. Хусусан – COVID-19 – коронавирус инфекцияси ёки вирусли пневмония билан касалланган тиббиёт ходимларига – 2 миллион тенге, COVID-19 – коронавирус инфекцияси ёки вирусли пневмония туфайли вафот этган тиббиёт ходими оиласига 10 миллион тенге берилади», – дейилади ҳужжатда.

Тўлов соғлиқни сақлаш ташкилотлари раҳбарлари томонидан COVID-19 – коронавирус инфекцияси ва вирусли пневмония аниқланган кундан бошлаб икки иш куни давомида тақдим этилган ёзма маълумотлар асосида амалга оширилади. Шундай қилиб, тиббиёт ходимларининг рўйхати тузилади.

ҚозАхборот.

<p>“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти бутун умрини вилоят ички ишлар бошқармаси тараққиётга бахшида қилган нафақадор – истеъфодаги полковник, газетамиз жонкуяри</p> <p>Ирисдавлат АҲМЕДОВ-нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.</p>	<p>“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти ҳаётини фотожурналистикага бахшида этган нафақадор Абдували Рўзиметовга укаси, 21-сонли А. Чехов номи мактаб ўқитувчиси</p> <p>Ирискул ҒАНИ ўғли-нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.</p>	<p>Кентов шаҳри, Эски Иқон қишлоғидаги кўп соҳали коллеж жамоаси биология фани ўқитувчиси</p> <p>Хуснуд Шухрат ўғли МАННОПОВ-нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига, қариндош уруғларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.</p>	<p>Кентов шаҳри, Эски Иқон қишлоғидаги «Иқон» ўрта мактаби жамоаси муассаса вахтёри Гулнора Абдуразақовага падари бузруквори</p> <p>Маъруфхон АБДУРАЗЗАҚОВ-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.</p>
<p>Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгашининг раиси, Сайрам тумани фахрий фуқароси Ҳамроқул Ҳожи ота Давронбеков вилоят ИИВда самарали фаолият юритган истеъфодаги полковник</p> <p>Ирисдавлат АҲМЕДОВ-нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.</p>	<p>Кентов шаҳри, Эски Иқон қишлоғидаги кўп соҳали коллеж жамоаси ўқув ишлаб чиқариш устаси Сарвара Муталиб қизи Мамировага қайнотаси</p> <p>Олимжон АБДУЖАЛИЛОВ-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.</p>	<p>Кентов шаҳри, Эски Иқон қишлоғидаги Аҳмад Ясавий номи мактаб жамоаси нафақадаги ўқитувчи Шухрат Мамирхон ўғли Манноповга ўғли, директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Хуршид Манноповга укаси</p> <p>Хуснуд МАННОПОВ-нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.</p>	<p>Архитектор улфатлар “Сайрам” МЧБ бош муҳандиси Шодмонбой Султонниёзовга волидаи муҳтарамаси</p> <p>Буроби ШОДИЕВА-нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.</p>

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!

Саудия Арабистони қироли Салмон жарроҳи қилинди.



АБАЙ ДУНЁСИ БИЛИМДОНЛАРИ

Қазигурт туман маданият ва тилларни ривожлантириш бўлимининг «Тилларни ўқитиш ва ривожлантириш маркази» ташкилотчилигида қозоқ адабиётининг ёрқин юлдузи Абай Қўнанбаевнинг 175 йиллигига бағишланган «Абай дунёси» танлови онлайн шаклда уюштирилди.

Унда 11 иштирокчи қатнашиб, биринчи ўринни Клара Акимбаева, иккинчи ўринни Аяғўз Амир, учинчи ўринни Диана Амир эгаллади.

Ғолиблар махсус диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди (тасвирда).

«Жанубий Қозғоғистон» мухбири.

ЎТТИЗИНЧИ СЎЗ

Бизда бир мақтанчоқлик деган ярамас нарса бор. Асли шу нарсанинг нима кераги бор ўзи? Зотан, бу – ор-номуссизлик, нодонлик, ўй-хаёلسизлик ҳамда на ботирлик ва на одамгарчиликдан хабари йўқликнинг аломатидир! Тагин, безрайиб туриб: «Э, худо! Кимдан ким ортиқ экан шунчалик? Бировнинг насибасини биров топиб берармиди ҳеч? Кимнинг боши кимнинг эгари қошида юрибди... Биров менинг қозонимни қайнатиб берибдими, ё мен бировнинг қўлига қараб қолибманми?» деб керилди. Баъзан эса дағдага қилиб: «Ҳаммага бир ўлим!.. Вой онасини фалон қилай! Бундай юргандан кўра ўлганим ортиқ! Жуда нари борса - ҳайдаб юборар, отиб юборар! Қаерга борсам ҳам бир ўлим!» деб кекирдагини чўзадиганлар кўп-ку. Мана, ўзларингиз кўриб юрибсизлар: ҳозир ҳеч буйига қараб тўн бичадиган, айтган гапда қатъий турадиган қозоқ борми дунёда? Йўқ, мен ҳали ўлимга бардош бера оладиган қозоқни ҳам ёки, аксинча: мен ўлимга бардош бера олмайман, деб

НАСИХАТЛАР



очиқ гапирадиган қозоқни ҳам кўрганим йўқ... Борди-ю, ақлсиз бўлса-да, шундай журъатли қозоқ топилса, у кишини ҳайратга солган бўлур эди! Афсуски, йўқ. Бунинг ўрнига шундайлар борки, зўр келганда сичқоннинг инини минг танга қилиб, қочиб кирага тешик топмай қолади. Хўш, бундай кишиларни нима деб атаймиз? Эй, худо! Ўз жонига ортиқча хотамлик қиладиган, мол-дунёни писанд қилмайдиган бечораларнинг аҳволига қаранг. «Уялмас юзга толмас жағ беради» деб шуни айтишар эканлар-да...

Носир ФОЗИЛОВ
таржимаси.

• Яхшилардан сўз очдик

Эл ичида табаррук онахон

Марҳабо Дўсматова Ленгер туманининг Алишер Навоий қишлоғида Муллабобо ўғли Бўронбой ота ва Хонбуви ая хонадонидан дунёга келган. 40 йилдан зиёд умрини савдо соҳасига бағишлади.

Ҳозир у истиқомат қилаётган Тўнғизтов – Қўрғон қишлоғида каттаю-кичик у кишини зиёрат қилишга, пурмаъно суҳбатларидан баҳраманд бўлишга, дуоларини олишга интилади.



Дарҳақиқат, сўзлари ҳикмат, юзларидан нур ёғилиб турган содда ва самимий онахон билан суҳбатлашиб, ҳаётнинг оддий ҳақиқатлари – ҳалол меҳнат, бағрикенглик ва шукроналик инсонни муродга, эъзозу эҳтиромга етказишини англагандай бўласиз.

– Умрим меҳнатда ўтди, – дейди онахон. – Узоқ умр кўриш, аввало, Яратганнинг марҳамати, қолаверса, ҳалол меҳнат, кўнгил хотиржамлиги, бағрикенглик, одамларга яхшилик қилиш инсон умрини узун ва зийнатли қилади. Мен ўтаётган умримга шукр қиламан. Шунча йил яшадим, ризқ-насибам кам бўлмади. Фарзандларим кунимга ярапти, неваралар, чевараларим атрофимда парвона, давлатимиз мен каби кексаларга ҳурмат, эъзоз кўрсатмоқда. Бундан ортиқ бахт йўқ, болам.

Марҳабо ая турмуш ўртоғи Аҳмад Дўсматов билан уч қиз, бир ўғилни тарбиялаб, вояга етказди. Узоқ йиллар сидқидилдан меҳнат қилиб, эл-юрт орасида кадр, ҳурмат топди. Ҳозир фарзандлари ардоғида, неваралари қароғида.

– «Жанубий Қозғоғистон»-ни нашр этила бошлаган даврдан бошлаб мутолаа қиламан. Афсус, сўнгги пайтларда коронавирус сабаб бўлиб, газетани қишлоғимиздаги обуначиларимизга олиб келмай қўйди. Келгуси йил 30 йиллигини нишонлайдиган тахририят жамоасига ижодий муваффақиятлар тилайман.

– Ёшлигингизга қайтсак...

– Бизнинг Алишер Навоий қишлоғида бирон бир ишсиз одам бўлганини эслаб олмайман. Давлат хўжалиги, «Фосфор» заводида ишлайдиганлардан ташқари хунармандлар ҳам кўп эди. Улар, урушдан ногирон бўлиб қайтган ҳамқишлоқларим бекорчи ўтирмай, деб, кетмон, болта, белкуррак, ўроқ ва бошқа турли қишлоқ хўжалигида ишлатиларди. Мактаб давримизда Совет Иттифоқининг барча шаҳарларига саёҳат уюштирилди. Китобга қаттиқ қизиқардик. Юқори синфларда «Шарқ юлдузи» журналининг биронта сонини ҳам қолдирмай ўқирдик. Ўша даврда вилоятимизда ўзбек тилида газета чикса,

деб орзу қилардик.

Оилада 11 фарзанд эдик. Отамиз – Улуғ Ватан уруши фахрийси – Муллабобо ўғли Бўронбой мерган бўлган. 1941 йили 41 ёшида урушга кетиб, уч йилдан сўнг ярадор бўлиб қайтди. 1968 йил, яъни умрининг сўнгигача елкаси ва қўлига теккан ўқ билан яшади. Меҳнатсеварликни отамдан ўрганганмиз. Акам Абдумалик (марҳум) Москва савдо институтини тугатиб, кўп йиллар вилоят матлубот жамиятида ишлади. Тўхтажон опам ҳам савдо соҳаси фахрийси эди. Абдусалом акам қишлоқдаги хўжалиқларда ҳисобчи бўлиб ишлади, Абдўгани акам Тошкентдаги «Ўзбекбирлашув»да, Ўзбекистон прокуратурасида ишлаб, нафақага чиқди. Раҳматли опам Ҳалима туман кутубхоначилиги соҳасига катта ҳисса қўшган инсон эди. Синглим Қажрабо Ўзбекистонда педагогика соҳасида ишлаган, нафақада.

Меҳнатда, ҳалол-поқликда, камтарликда ўтказган ҳаёти Марҳабо Дўсматовани эл ичида табаррук қилди.

Б. ДЎСМАТОВА.

АРХЕОЛОГЛАР – ҚАДИМИЙ КУЛТЎБЕДА

«Култўбе тарихий ёдгорликларини тиклаш» лойиҳаси доирасида тарихчилар нафақат тарихий жойлар, ноёб кулполчилик буюмлари ва уларнинг қисмларини ҳам тиклашмоқда.



Тарихчиларнинг фикрига кўра, Култўбе шаҳрида 2020 йилда топилган қадимий сопол буюмлар кўплаб омилар таъсирида асл Туркистон услубини акс эттиради. Қозоқ илмий-тадқиқот институти илмий ходими Ерлан Қазизовнинг сўзларига кўра, Култўбе шаҳрида топилган ва ҳозирда қайта тикланаётган кулполчилик буюмлари минтақа ижодий маданиятининг ёрқин намунаси. Унда маҳаллий кулполларнинг маҳорати акс этади.

– Археологик сополни тиклашда нафақат археологлар ва тарихчилар, балки касбий рассомлар ҳам иштирок этадилар. Масалан, реставрация пайтида менга туркистонлик рассом, кулол Динора Сирождидинова ёрдам беради. Бу жуда сермеҳнат, сермашақат, аммо жуда қизиқ жараён. Буюмнинг қисмларини тўлиқ йиғиш осон эмас. Ҳаммасини катта-кичик

қисмларгача тўплаш керак, – деди Е. Қазизов. – Таъкидлаш жоиз, XV–XVIII асрларга оид Култўбе кулполчилиги ёрқин ва мазмунли ранг, барглар, гулларнинг асл услубий талқини билан ажралиб туради.

– Бу шаҳардан турли заргарлик буюмлари топилган. Ушбу экспонатлар ҳақида кўпроқ маълумотни «Култўбе шаҳри» археологик паркиннинг расмий веб-сайти ва бизнинг Facebook (@kultobe) ҳамда Instagram (@kultobe) саҳифаларимизда топиш мумкин. Ушбу манбалар Eurasian Resources Group (ERG) молиявий кўмаги билан амалга оширилаётган лойиҳанинг муҳим натижаларини намойиш этади, – деди лойиҳанинг бош илмий ходими, маданиятшунос Жанерке Шайғозова.

ҚозАхборот.

Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир

ўринбосари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.

Масъул котиб –

Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул шахслар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Қазигурт — Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.

Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.

Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 10968 нусха.

ERNUR-print МЧБ босмаҳонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буюртма: 1928.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.